


“КЕЛИШИЛДИ”

Хоразм вилояти қурилиш
бош бошқармаси бошлиғи


Б.Каримов

“ 06 ” 10 2022 йил

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Хоразм вилояти
хокими ўринбосари


Б.Курбанов

“ 06 ” 2022 йил

«КЕЛИШИЛДИ»

ДХХ Хоразм вилояти
бошқармаси бошлиғи


Ш.Маликов

2022 й.

«КЕЛИШИЛДИ»

Хоразм вилояти хокимлигининг
ЯБХИК директори


Ш.Отаев

2022 й.

ЛОЙИҲАЛАШ ТОПШИРИҒИ

**ДХХ Хоразм вилояти бўйича бошқармасига
Хива шаҳар бўлимига маъмурий бино
қурилиши объекти бўйича**

Урганч -2022 йил

№	Асосий маълумотлар ва талаблар рўйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар маъмуни
1	2	3
1	Объектнинг номи	ДХХ Хоразм вилояти бўйича бошқармасига Хива шаҳар бўлимига маъмурий бино қурилиши
2	Объектнинг манзили	Хоразм вилояти Хива шаҳар
3	Лойиҳалаш учун асос	1.Хоразм вилояти ҳокимлигининг 2022 йил 1 августдаги 360-12-0-Q/22-сонли қарори. 2.Хоразм вилояти қурилиш бош бошқармасининг 2022 йилдаги АРТ-І-қисм ҳужжатлари
4	Буюртмачи	Хоразм вилояти ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси
5	Бош лойиҳачи	Танлов (тендр) савдолари натижаларига асосан
6	Бош пудратчи қурилиш ташкилоти	Танлов (тендр) савдолари натижаларига асосан
7	Қурилиш ва реконструкция қилишининг тахминий муддатлари.	2022 йил бошланади 2023 йилда тугалланади
8	Лойиҳалаштириш босқичи	Бир босқичли лойиҳалаштириш
9	Қурилиш тури	Янги қурилиш
10	Молиялаштириш манбаи	Бюджет маблағлари
11	Қурилиш майдони ҳақида маълумот ва режалаштириш чекловлари. Махсус геологик ва гидрогеологик шароитлар. Қурилиш майдони характеристикаси, сейсмика, тупроқ гуруҳи	Зилзила райони -7 балл Зилзилабардошлик -8 балл Тупроғи - чўкмайдиган Тупроқни музлаш чуқурлиги -0,7 м Шамол босими -38 кгс/м2 Қор қатлами оғирлиги -50 кг/м2 ҳамда муҳандислик изланишлари натижалари асосида
12	Муҳандислик изланишлари зарурлиги.	1:500 Масштабдаги топографик хариталар ва муҳандислик геологик изланишлар лойиҳа таркибида бажарилади.
13	Объектнинг асосий кўрсаткичлари ва бинонинг функционал мақсадига қўйиладиган талаблар.	Бажариладиган ишлар қизил чизикдан чиқмаган ҳолда бажарилади. Тасдиқланган ҳудуднинг схемаси асосида ҳудудни батафсил режалаштириш схемалари бош режа ишлаб чиқилади. Бош режа, Технология лойиҳаларини - фойдаланувчи ташкилот билан келишиш, ҳудуднинг батафсил режалаштириш схемасида муҳандислик тармоқлари техник шартлар асосида лойиҳаланиб, мавжуд муҳандислик тармоғига улансин. Тармоқ эгалари билан келишилади. Турли хил конфигурациялар ёрдамида бинолар таркибини Хива шаҳар санитария–эпидемиология осойишталик марказининг ва Хива шаҳар фавкулудда вазиятлар бўлимининг гигиеник ҳамда техник шартларига асосан лойиҳалаштириш. Лойиҳа ечими Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлик кодекси ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар (ҚМК, ШНҚ, техник шарт) асосида қабул қилинади. Яширин ҳолда бажариладиган қурилиш таъмирлаш ишларини барча лойиҳаларда алоҳида узеллар билан кўрсатиш ; Зилзилабардошликни ошириш мақсадида қўлланиладиган узеллар барча лойиҳада алоҳида кўрсатилсин;

(ҚСХН хулосасига асосан)

СГ-1 (кладочная сетка) узелларда алоҳида акс этириб кўрсатилсин ;

Маъмурий бино, Меҳмонхона, қурилиши бўйича :

Пойдевор – подошваси қуйма темир-бетондан, ер ости сувлари яқинлигини инобатга олиб, бетон маркалари лойиҳа асосида ҳисоб-китобларга асосан, намликдан ҳимояловчи воситалардан фойдаланиб, шамоллатиш туйниқчалари ўрнатиб лойиҳалансин
Деворлар – Пишган ғиштдан М75 ли, цемент қоришмаси М50 ли, ташқи девор қалинлиги 380мм, ички юк кўтарадиган ва ўз юкини кўтарадиганлари асосий деворлар 380мм, ички ора-ажратма парда деворлари 120ммли, зилзилабардошлик талаблари асосида лойиҳалансин ;

Яширин ҳолатда қоладиган ишларни лойиҳада СГ-1 (кладочный сеткани) узелларда алоҳида акс этириб кўрсатилсин ;

Перемычка – ШНҚ, ҚМҚ талаблари асосида лойиҳалансин ;

Парапет – Пишган ғиштдан лойиҳалансин ;

Эшик олди (кириш) – зинопоялари италлогранит, брусчатка ;

Пандус – ШНҚ 4.12. га асосан ногиронлар ва ҳаракатланиши чекланган шахсларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда пандус қилинсин. Пол-сирпанмайдиган брусчатка, перила – анодированный металлдан лойиҳалансин ;

Ички эшиклар – МДФ ва алюмин профилдан лойиҳалансин ;

Ташқи эшиклар – металлдан ;

архив, сервер хонаси, электр щит хонаси - ўтга чидамли материалдан эшикларни ўрнатиш;

- эшик қулфлари замонавий, бардошли ва сифатли.

- фавкулотда ёнғин хавфсизлиги эшиклар лойиҳалашда амалдаги ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ.

Дераза - пластик ромлардан ўлчамлари лойиҳа талаблари асосида лойиҳалансин ;

Поллар – ламинат, керамика, мрамордан лойиҳалансин ;

- санузеллар сирпанмайдиган юзаси бўлган керамик плиткалардан лойиҳалансин ; Хонанинг чекка бурчагида нишаб билан трап ўрнатишни инобатга олиш, Генуя косасини пол сатҳидан бир қадам баландроқ ўрнатишни инобатга олиш.

Том ва ора-ёпмаси - кўп ғовакли темир бетондан лойиҳалансин ;

Том тўшамаси - Иссиқ-совуқдан ҳимояловчи воситалардан, иссиқлик изоляцияси қалинлиги иссиқлик техникасини ҳисоблаш асосида -пенабетон ёки базальт толали плиталар ; ҚМҚ 2.03.10-19 талабларига асосан, том парапет деворларида шамоллатиш продухлари ўрнатилсин,

Том қисми– ёғоч каркас ва бўялган металл қоплама энг кам қалинлиги 0,5 ммдан кам бўлмаган ҳолда, ҳамда сэндвич панелларидан ҚМҚ 2.03.10-19 талаблари асосида, ёмғир сув қувури (водосток) - ташқи ташкил этилган ёмғир сув лотоклари ва сув қувури полимер қопламали рухланган металл қувурдан. Ёмғир сув қувурларини девор отмостваси остидан лойиҳалансин

Парапет - Алюпан билан қоплаш ;

Шифт – хоналар, коридорлар, фаелар, дахлизлар, санузеллар сувоқ устидан шпаклёвка билан текисланиб эмульсия бўёқи билан бўёқлаб лойиҳалансин.

Ички пардозлаш – кириш файеси, қоридорлар, маъмурий хоналар деворлари қум ва оҳақ аралашмали сувоқ устидан шпаклёвка билан текисланиб, эмульсия бўёқ билан бўяб лойиҳалансин ;

Ташқи пардозлаш – буюртмачи билан келишган ҳолда бинонинг фасад қисмини белгиланган тартибда базальт минвата билан утепления қилиш, унда ППЖ-(лойиҳачининг ҳисоби асосида) маркали 5-7 -(лойиҳачининг ҳисоби асосида) см қалинликдаги ГОСТ9573-2012. дубель

ДС-1 СТО 20994510-001-2009 деворга маҳкамланиш чуқурлиги

ДС-1 СТО 20994510-001-2009 деворга махкамланиш чуқурлиги 70мм дан кам бўлмаган ва плиталарни деворга ёпиштириш учун универсал ёпиштирувчиларни ишлатишни лойиҳалаштириш;

Бино ташқи деворларига цемент-қум аралашмали сувоқ устидан травертин қопламаси билан қоплансин, цокол фасадга мослаб иссиқ совуққа бардошли керамик плиткалардан лойиҳалансин ;

Отмостка – бетон қопламали қилиб устидан брусчатка лойиҳалансин ;

Иситиш тизими – Янги замонавий талабларга асосланган табиий газда, қаттиқ ёқилғида ишлайдиган янги иситиш қозонлари ўрнатиш. Радиаторлар –биметалик. Қувур ичидаги сувнинг совушини олдини олиш учун қувурларни иссиқлик изоляциясини таъминлаш. Қувур линиялари ва чиқиш жойларини ётқизиш девор остида (каналларда) яширинган холда амалга оширилиши керак. Насос ўрнатилиши билан битта қувурли тизим.

Хонадаги хаво хароратини ҳисобини амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ белгилаш. Очилиш ойналари бўлган табиий шамолатиш. Таъминот ва чиқинди вентиляциясини ўрнатиш.

Лойиҳалашда ҚМҚ 2.01.18-2000*га энергия истеъмол қилишнинг янги стандартларини ҳисобга олган холда ҚМҚ 2.04.05-97 ва биноларни лойиҳалаш қўлланмасининг талабларига риоя қилинг.

Мухандислик тармоқлари – Бинода ички совуқ сув ва иссиқ сув таъминоти учун п/п қувурлар назарда тутилиб лойиҳалансин. Ичимлик суви таъминотининг магистрал қувурларини шахталарда ётқизиш керак. Совуқ сув, иссиқ сув истеъмолчиларига қувур линиялари ва чиқиш жойларини ётқизиш девор остида (каналларда) яширинган холда амалга оширилиши керак. Қуёш энергиясидан фойдаланишни кўзда тутиш, Қувур ичидаги сувнинг совушини олдини олиш учун қувурларни иссиқлик изоляциясини таъминлаш.

Оқава сув тизими КМК 2.04.01-98 ва КМК 2.04.03-97га мувофиқ амалга оширилиши керак. Ички оқава сув тармоқлари юқори қувват ва гигиеник хусусиятларга эга бўлган ПВХ қувурлардан тайёрланиши керак. Оқава сув қувурларини шахталарга ётқизиш. Оқава сув тармоқларини ташқи оқава сув тармоғига улаш. Тиқилиб қолиш мумкин бўлган жойларда оқава сув қувурларини қайта кўриб чиқиш ва тозалаш имкониятини таъминлаш. Барча қувурлар ёпиқ холатда бўлсин, ёпиқ холатда химояланган холда бажарилсин.

Электр таъминоти –

- электр таъминотининг ишончилилик даражаси бўйича - II тоифа;
- энергия тежаш чора-тадбирлари назарда тутилиб лойиҳалансин;

-бинонинг электр ёритиш тизимини лойиҳалаштиришда ҚМҚ 2.01.05-98 ва ҚМҚ 2.04.17-98, шунингдек электр иншоотларининг амалдаги қоидаларига (PUE) мувофиқ 3 тармоқли мис симдан фойдаланган холда лойиҳалаш, фавқулудда ёритишни таъминлаш. Заземления ва зануленияни кўзда тутиш. Электр энергиясини ҳисобга олиш учун электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини (ASKUE) кўзда тутиш. Тизим янги технологиялар асосида, кузатув камералари ўрнатиб, Ўзбекистон энергетика вазирлиги “Хоразм ҳудудий электр тармоқлари” АЖнинг техник шартига асосан лойиҳалансин ;

Ёнгин хавфсизлиги – Лойиҳалаштиришда амалдаги меъёрлар “Ёнгиндан химоя қилиш тизимлари, ёнгин хавфсизлигига қарши оғохлантириш тизими (ОПС) ўрнатиш. Автоматик ёнгиндан хабарлаш ва ёнгин ўчириш мосламаларига мувофиқ ШНҚ 2.04.09-07 “Бино ва иншоотлар ёнгин автоматикаси”

		<p>талаблари асосида амалга ошириш. Ўт ўчириш мосламаларини ШНҚ 2.01-04 талаблари асосида бажарилиб, гидрант ўрнатиб лойихалансин ; Вилоят фавқулотда вазиятлар бўлимининг техник шартига асосан лойихалансин ; Вентиляция - сунъий шамоллатиш тизими ўрнатиб лойихалансин ; Отмостка – брусчаткадан лойихалансин; Панжаралар – темир тўсиқли дарвоза ва пишиқ ғишдан панжаралар лойихалаштирилсин ; Ободонлаштириш – кириш йўлаги брусчатка, йўлаклар ва ўтиш йўллари, транспорт йўллари, шу жумладан ёнгин хавфсизлик техникаси учун бетон қопламали йўллар лойихалаш; Дам олиш учун замонавий айвонлар, ўриндиклар, чиқинди ташлаш қутилари ўрнатиб лойихалаш; Тунги ёритиш чироқлари - куёш батерияларидан фойдаланиб, лойиха талаблари асосида лойихалансин ; Фонтан – ички деворлари цемент-кум аралашмани сувоқ билан суваб замонавий мозаика типидagi плиткалардан фойдаланиш, ташқи деворларига безак беришда қизил капустин гранит плиталар билан, фаввораларни сув таъминоти тизими, электр таъминоти тизими, насосхонасида насос ва филтрларни ҳисоб-китоб бўйича ўрнатишни кўзда тутиб лойихалаш ; Автомобиллар учун гараж, Автомобиллар учун навес, Козонхона, КНС қуриш лойихалансин ;</p>
14	Лойиха ечимларини келишиш.	<p>Худуднинг эскиз схемасида аҳоли пунктнинг мавжуд ҳолати ва лойиха тақлифлари акс эттирилади. Объектнинг бош режа лойихалари вилоят архитектура бошқармаси, СЭОМ, ФВБ ва тегишли техник шарт берган ташкилотлар билан келишилади.</p>
15	Лойихалаш ишларини бажаришга қўйиладиган талаблар	<p>Лойиха ҳужжатлари бўлимлари, таркиби ва уларнинг мазмуни амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базага мувофиқ бўлиши керак ; -смета ҳисоб-китоблари Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирлигининг 2022 йил каталоги бўйича амалга оширилсин. Пудратчининг ҳаражатлари 15,51%, буюртмачи ҳаражатлари қўшимча илова қилинади, таваккалчилик коэффициентини 0. Материал ресурсларига транспорт ва омборхона-тайёрлов ҳаражатларини Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2011 йил 30 январдаги 352/11-05-сонли хатига асосан олинади. -Иш ҳужжатлари 1 нусхада экспертизага бериш учун Буюртмачига берилди.</p>
16	Лойиха-смета ҳужжатлари талаби	<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 сентябрдаги раёсат мажлисининг 130-сонли баёнининг 4 бандида -Бир хил қувват ва ҳажмдаги объектлар учун ишлаб чиқиладиган лойиха-смета ҳужжатлари якуни бўйича аниқланадиган қийматлар ўртасида кескин тофовулар юзага келишига йўл қўймаслик чоралари, лойиха-смета ҳужжатларида қурилиш ва жиҳозлаш ҳажмларини тўлиқ инobatга олмаган лойиха ташкилотларига нисбатан қонунчилик доирасида тегишли чоралар қўрилиши, лойиха-смета ҳужжатларининг сифати ва асосланганлиги ҳамда меъморий ва техник ечимларнинг мақбуллиги юзасидан лойиха ташкилотларининг жавобгарлигини кучайтириш, лойиха-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда объектнинг чекланган қиймати аниқ белгиланишини таъминлаш бўйича Қурилиш вазирлиги, вазирликлар, идоралар, ва хўжалик бирлашмалари ҳамда вилоятлар ҳокимликлари (буюртмачилар) билан биргаликда юклатилган ; Лойиха-смета ҳужжатларида юқорида инobatга олинган хато-камчиликларга тофовуларга йўл қўйилса хато-камчиликлар лойихачи ташкилот маблағлари ҳисобидан тўғриланади. Қонунчилик доирасида тегишли чоралар қўрилиши, жавобгарлиги Сизнинг ташкилотингиз зиммасига юкланишини</p>

		хис қилган холда амалга ошириб лойихалаш ;
17	Атроф мухитни муҳофаза қилиш бўйича талаблар.	Атроф мухитга таъсир баёноtlари (ЗВОС) лойихасини ишлаб чиқиш ;
18	Қурилишни ташкил этиш лойихасини ишлаб чиқиш (ПОС)	Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган қоидалар ва қоидаларга мувофиқ ишлаб чиқилади. (ПОС)
19	Фуқоро муҳофазаси ва ФВВ талаблари бўйича муҳандис-техник ишланмалар.	Берилган техник шартлар ва ҚМҚ талаблари асосида бажарилади.
20	Ногиронларни ўриндиқли аравачаларда кириш-чиқиш йўлаклари Пандус	Асосий бинога кириш қисмида ногиронларни аравачаларда кириши учун пандуслар белгиланган тартибда лойиха асосида бажарилсин. Эшиклар остонасиз бажарилсин.
21	Буюртмачига тақдим этиладиган ҳужжатлар	Тайёрланган барча лойихалар буюртмачига (ЯБХИК), -Ишчи лойиха, 4 (тўрт) нусхада, -Локал ва ресурс сметалари қоғозда 1 (бир) нусхада, -электрон версияси (диск) билан тақдим қилинади.

“Буюртмачи”

Хоразм вилояти ҳокимлигининг “ЯБХ”ИК си
бош муҳандиси

Б.Сапаев

“Буюртмачи”

Хоразм вилояти ҳокимлигининг “ЯБХ”ИК си
лойиха бўлими бошлиғи

Р.Машарипов